

ЁЗ ЎТМОҚДА СОЗ

Ёзнинг қувончли кунлари турли қувноқ ўйинлар, тенгдошлар даврасида ўтганига не етсин.

Косон туманидаги 11-мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари ҳам ёзни турли мусобақалар, спорт ўйинлари билан ўтказмоқдалар. Болалар боғчаси ҳаётимизнинг ажралмас қисми. Бу масканда тарбия оламиз, саводимиз чиқади, дўстларимиз, устозларимизнинг биринчиси ҳам шу маскан-



да бўлади. Косон туманидаги 11-сонли МТТда 295 нафар кичкинтойлар тарбия-

ланиб, уларга 14 нафар ходим жонсарак. Бу ерда турли мавзудаги тadbирлар ўтказилади. Тadbир жуда кизикarli, эсда қолarli, куй-қўшиқларга бой бўлади. Тadbирларимизда жажжилар болалар боғчасида тарбияланиш жараёнида ўрганган билимларини намoён этиб, барчанинг олқишига сазовор бўладилар. Болалар боғчаси ҳаётимизнинг ажралмас қисми. Бу масканда тарбия оламиз, саводимиз чиқади, дўстларимиз, устозларимизнинг биринчиси ҳам шу масканда бўлади.

Муқаддас ХАЙРУЛЛАЕВА,
Косон туманидаги 11-МТТ раҳбари

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Коронавирус инфекцияси 2020 йилнинг энг хавфли касалликлари тоифасига кирганлиги ҳеч кимга сир эмас. Лекин шундай касалликлар ҳам борки улар ҳам миллат генофондига салбий таъсир этиб келмоқда. Бу ОИТСдир. Бу касаллик ижтимоий касалликдир, шунинг учун у кенг маънода нафақат иқтисодий, сиёсий зарар келтиради, шунингдек, оилавий, рухий, маънавий, ахлоқий жиҳатдан салбий оқибатлар-



ни келтириб чиқаради. Шундай экан, касалликнинг олдини олиш, даволаш, тарқалишини чеклаш ишларида ақл-заковат билан иш тутиш катта аҳамиятга эга. Шу сабабли рухий тўсиқларни бартараф этиш керак

бўлади. Бунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам ахлоқ, одоб ва ўзаро ҳурмат руҳида яша, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билган ҳолда ўзини ва ўзгани ҳимоя қила билиши, маънавий ва маданий жавобгарликни ўз бурчи деб билиши керак бўлади.

Қарши шаҳридаги «MARKA» супер маркети, «KUNCHIQAR» озиқ-овқат бозори, «YERQURG'ON» ва «FARXOD» бозорлари ҳамда «DILIZIYA» ва «IMIDJ» гўзаллик салонлари, сартароҳоналарда вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази профилактика бўлими ва вилоят ИИБ ЖКБ ходимлари ҳамкорлигида аҳоли гавжум жойларда «ОИВ инфекцияси профилактикаси ва гиёҳвандликни олдини олиш» бўйича аҳолига тушунтириш ишларини олиб борилмоқда.

Вилоят ОИТСга қарши кураш марказидан олий тоифали врач Замира Никбоева, эпидемиолог ёрдамчилари Д.Бегимкулова, Г.Зарипова, вилоят ИИБ ходими Л.Авазовлар тadbирни уюшқоқлик билан ўтказилишида фаоллик кўрсатишди.

Д.КАРИМОВ,
вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бош врач

Тadbиркорлар сони кўпаймоқда

Туманимизда ҳам тadbиркорлик фаолиятини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик учун янада қулай шароит яратиб бериш мақсадида, аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатилаётганлиги сабабли тadbиркорлар сони кўпаймоқда.

Ғузур тумани статистика бўлими қорхона ва ташкилотларнинг ягона давлат реестри (КТЯДР) маълумотларида (деҳқон ва фермер хўжалиқларисиз) рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони бир неча баробарга ортиб, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва тadbиркорларга қулай шарт – шароитлар яратиш ва статистик янгиликлардан хабардор этиш, ҳисобот шакллари тўлдирив ва электрон тақдим этиш бўйича туман статистика бўлими томонидан семинарлар ва «Очиқ эшиклар» кўни ўтказиб борилмоқда. Сизда пайдо бўлган саволлар бўйича Давлат Статистика Қўмитасининг «WWW.STAT.UZ» расмий сайтига ёки туман статистика бўлимининг (8371) 230-84-28 «Ишонч телефон» рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.

Баҳром МИРЗАЕВ,
Ғузур туман статистика бўлими бош мутахассиси

Рақамли иқтисодиёт – ДAVP ТАЛАБИ

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

Юртбошимиз айтганидек, «Дунёнинг ривожланган давлатларида аллақачон рақамли иқтисодиётга ўтилган. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ барча масалалар рақамли ҳисобот орқали амалга оширилади, таҳлил қилинади ва ўрганилади».

Бошқа соҳаларда бўлгани каби Статистика органлари ҳам замонавий ахборот –коммуникация технологиялари билан тўлиқ таъминланган бўлиб, улар босқичма-босқич янгилашиб борилмоқда. Бошқарманинг www.qashstat.uz расмий веб сайти ташкил этилган бўлиб, унга соҳага оид қонун ва қонуности ҳужжатлари, пресс-релизлар ҳамда статистикага оид маълумотлар жойлаштирилиб борилмоқда.

Орифжон ТЎХТАЕВ,
Ғузур туман статистика бўлими етакчи мутахассиси

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Бугунги тезкор ривожланаётган замонда илм-фан, техника ҳам шиддат билан ўсиб бормоқда. Ҳар бир соҳада тараққиёт илгари қадам ташламоқда. Хусусан, илм-фанда ҳам катта ўзгаришлар, сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Ҳар бир фанни янги инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқувчиларга етказиб бериш бугунги кундаги таълимнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Чет тили фани тўрт аспектга (ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапириш) бўлиниб, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида тушунча ва кўникмалар берилмоқда. Таълим технологиялари, бу таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланишдир. Шунингдек, таълим жараёнига замонавий инновацион технологияларини олиб кириш орқали таълим сифати ва самарадорлигини оширишни назарда тутди. Хусусан, чет тилини ўрганишда бундай ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг бир қанча афзалликлари мавжуддир. Тил ўрганиш ва ўқитишда замонавий технологиянинг роли беқийсдир. Технологик воситалардан фойдаланиш чет тили ўрганишнинг ҳар бир аспектида қўл келади. Масалан, тинглаб тушуниш учун, албатта компьютер, плеер, CD дискларсиз бу жараёни амалга ошириш мумкин эмас. Тинглаб тушуниш тил ўрганишнинг энг муҳим қисмларидан биридир. Бунда ўқувчи бир пайтнинг ўзиде сўзловчининг талаффузи, грамматик қоидаларга риоя қилганлиги, сўз бойлиги ва унинг маъноларига эътибор бериши талаб қилинади. Таълим жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланишда ўқувчилар ҳам ахборот – коммуникацион технологияларни яхши билиш ва улардан фойдалана олиши муҳим омил ҳисобланади.

Юлдуз ЖЎРАЕВА,
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

ОРГАНИЗМНИ ЧИНИҚТИРИШ УСУЛЛАРИ

Соғлом турмуш тарзи бу – инсоннинг ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи кўникмаларга эга бўлиш асосида ҳаётини фаолиятни йўлга қўйиш ҳамда саломатлигининг юқори даражада бўлишига эришишни таъминловчи ижтимоий ҳодисадир. Биз соғлом турмуш тарзининг таркибий қисми – организмни чиниқтиришдир.

Чиниқтириш – организмнинг ташқи муҳитдаги ҳар хил салбий омилларга қаратилган профилактик чора-тadbирлар мажмуаси. Соғломлаштиришга қаратилган чиниқтириш организмнинг ташқи муҳитга бўлган адаптациясини (мослашишини) кучайтиради, яъни ташқи муҳитдаги ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ёки пасайиши чиниққан инсон танасининг ички аъзолари иш фаолиятига деярли таъсир кўрсатмайди. Масалан: ҳарорат ўзгаришида чиниққан организм томирларининг кенгайиши ва тарайиши кишини иссиқ ёки совуқ уришидан сақлайди. Бундан ташқари, чиниққан инсон организмда асаб тизими ва иммунитет яхши шакланган бўлиб, ҳар хил касалликларга тез чалинмайди. Чиниқтириш муолажалари

бир неча турларга бўлинади.

Аэротерапия:Тоза (соф) ҳаво билан чиниқтириш. Бунда узоқ ва мунтазам равишда тоза ҳавода сайр қилиш талаб этилади. Гелиотерапия:Организмни қуёш нурлари ёрдамида чиниқтириш. Терига тушган ультрабинафша нурлар организмга ижобий таъсир қилади.Ялангоёқ юриш:Ялангоёқ юриш ёш болалар ва катталарга танани чиниқтиришда жуда самарали ҳисобланади. Боиси, инсон оёқ панжаси тагида кўп биологик актив нуқталар жойлашган. Сув муолажалари: Сув билан чиниқтириш. Ўз навбатида у иккига бўлинади: иссиқ ва совуқ сув орқали. Иссиқ сувли ванна ёки душ қабул қилиш – организмдаги майда қон томирларини кенгайтириб, микроциркуляцияни яхшилайди. Иккинчи усулда совуқ сувда чўмилиш, совуқ душ қабул қилиш ва совуқ нам сочиқ билан бадан терисини артиш каби амалга оширилади. Нам сочиқ ёрдамида бадан терисини артиш машғулотивнинг биринчи кунлари сув хона ҳароратида бўлиши керак.

Арзиқул ПАНЖИЕВ,
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ўқитувчиси

Рўйхатга олиш қандай амалга оширилади?

Мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш тadbiri анъанавий усулда, яъни рўйхатга олувчи шахслар томонидан худудларда уйма-уй юрган ҳолда, юзма-юз суҳбат асосида, қоғоз шаклидаги рўйхатга олиш варақаларини тўлдирив орқали амалга оширилади.

Аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва рўйхатга олиш материаллари топширилади. Мазкур жараён тахминан икки ой давом этади. Рўйхатга олувчиларни танлаш масаласи ҳам ниҳоятда долзарб. Чунки маълумотларнинг тўғрилигига улар бевосита масъул. Бу жараёнга жалб этиладиган ходимлар турли ёшда ва ҳар хил касб эгалари бўлиши мумкин. Шунга қарамай, тadbирга, биринчи навбатда, Давлат статистика қўмитаси ва унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари, статистика йўналишида таҳсил олаётган талабалар, магистрлар, шунингдек, таянч докторантлар жалб этилиши мақсадга мувофиқ.

Дамин НОМОЗОВ,
Ғузур туман статистика бўлими бошлиғи

ФИРИБГАРНИНГ ИШИ ФОШ БЎЛДИ...

Тошкент шахрининг Олмазор тумани “Лангар” 7-берк кўчасида истиқомат қилувчи Салимов Азамат (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) салкам мустақиллик билан тенгдош. У тенгилар давлат ва жамиятга наф келтираётган бўлса, Азамат фирибгарлик борасида яхши танилганлардан.

Азамат фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, ўзгалар мол-мулкни талон-тарож қилиш, аниқроғи фирибгарлик билан шуғулланишни одат қилди. Кўза кунда эмас кунда синади деганларидек Азамат энди суднинг қора курсида ўтириб, қилган ишларидан пушаймон бўлган бўлса ажаб эмас. Балки уни олдинда яна режалаштирган ишлари ҳам бордир, шекилли...

Интернет тармоғидаги “OLX” иловаси орқали берилаётган эълонлар ўзини тинчини бўзди. “Себзор” даҳасида яшовчи Абдуллаев Малик “ASUS ROG G750 JM” маркали наутбук компьютерини 700 АҚШ долларига сотмоқчи бўлганида, Азамат харидор бўлиб олдиндан 200 АҚШ долларини бериб, қолган 500 АҚШ долларини бермасдан компьютерни сотиб, пуллари энди эҳтиёжларига сарфлади. Энди Азамат “OLX” иловаси орқали берилаётган эълонлар орқали мумай топиш мумкинлиги англаб олди. Жорий йилнинг 11 март куни “Эски шаҳар” савдо маркази худу-

дида Васиев Азизбекка тегишли “Нр” русумли ноутбукни 430 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, бошланғич тўлов сифатида 100 АҚШ долларини бериб, қайтиб қорасини кўрсатмади. Ноутбук бошқа эгасини топди ва Азамат даромадли бўлиб қолди. Орадан ўн кун ўтиб Азамат Чилонзордаги “Фламенго” тамаддонхонаси олдида пайдо бўлиб, Отакулов Рустамга тегишли бўлган “Playstation-4” русумли ўйин приставкасини ижарада фойдаланиш учун эгасини кунига 60 000 сўмдан бериб туришни айтиб, қиймати 5 200 000 сўм бўлган ўйин приставкаси учун жами 180 000 сўм тўлаб, кўздан “ғойиб бўлди”. У яна OLX” иловаси орқали берилаётган эълонларга кўз югуртирди. Олмазор туманидаги “Корзинка” супермаркети олдида Абилов Илҳомнинг “ACER” русумли ноутбукини 1400 АҚШ долларига баҳолаб, 500 АҚШ долларини олдин тўлов тариқасида тўлаб, Илҳомни ишончига кириб, қолган пуллари бермасдан саргардон қилди. Фақат бу эмас. Олмазор туманининг “Мойарик” маҳалласи ҳудудида Алимов Аслидиннинг жами 9 миллион 200 минг сўмлик ўйин приставкаси, Сергели тумани ҳудудида Ҳасанов Мўминжон билан учрашиб унга тегишли бўлган телефон аппарати 760 АҚШ долларига харид қилишни

айтиб ишончига кирди. “Тошкент сити” майдони ёнида Шарапов Ҳаким телефон аппарати 770 АҚШ долларига харид қилишга келишиб, ваъдасидан чиқмади. Учтепа тумани 5 мавзесида Алимов Ботирнинг телефон аппарати 300 АҚШ долларига баҳолаб, харидор бўлган бўлса, Шайхонтоҳур туманида Муҳаммадиев Салим ноутбукини 7 000 000 АҚШ долларига сотиб олишга келиб олди. Уларни ишончига кириб олдиндан қисман тўловларни амалга ошириб, қайтиб алоқага чиқмади. Бу рўйхатларни яна давом эттириш мумкин.

Салимов Азамат қасддан қилган ҳаракатлари билан фирибгарлик, инсонларни алдаш ва ишончини суистеъмол қилиш йўли билан ўзгаларнинг мулкни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, такроран жиноят содир этишни одат қилди. “OLX” иловаси орқали эълон бераётган фуқаролар эҳтиёжлари учун сотувга қуйган буюмларини фирибгарга қўллари билан топширишган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси тегишли қисм ва бандлари билан айбли топилган Азаматга ўхшаган фирибгарларга алданиб қолманг.

Ш.РАҲМАТОВ,
Тошкент шаҳри Олмазор тумани ИИО ФМБ Тергов бўлими терговчиси, лейтенант

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК НИМАДАН БОШЛАНАДИ

Сайловга тайёргарлик кўриш энг аввало миллий сайлов қонунчилигини ва умумэтироф этилган ҳалқаро сайлов стандартларини пухта ва мукамал ўрганишдан бошланади.

Ушбу тамойилларни ўрганиш ўз навбатида фуқароларнинг хоҳиш-иродаси эркин билдирилишини таъминловчи кафолатларни белгилайдиган сайлов қонунчилигидаги бўшлиқ ва камчиликларни бартараф этишдан иборат бўлади.

Шу сабабли ҳам, сайловга ҳар қачонгидан сифатли, тизимли ва жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида, кенг жамоатчиликнинг тақлифлари инobatга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг жорий йилнинг 8 февралдаги ЎРҚ-670-сон Қонуни билан энди Президент сайлови ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари сайлови уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда яъни октябрь ойининг учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказиладиган бўлди.

Бундан ташқари, сайловни миллий қонунчилик ва ҳалқаро сайлов стандартларига мос тарзда юқори ташкилий даражада ўтказиш учун, энг аввало участка сайлов комиссияси аъзолари ва сайлов жараёни бошқа ташкилотчиларнинг ҳуқуқий билим ва амалий кўникмаларини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу бу борадаги ишлар изчил ва тизимли йўлга қўйилаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг жорий йилнинг 27 апрель кунини ўтказилган йиғилишида тасдиқланган концепцияга асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида шу йилнинг 7 июнь кунинан участка сайлов комиссияси раиси, раис

ўринбосари ва котиблигига номзодларнинг билим ва амалий кўникмаларини оширишга йўналтирилган семинар-тренинглари изчил давом этмоқда.

Ушбу тренингларида жорий йилнинг октябр ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловининг ўзига хос томонлари, миллий сайлов комиссиялари тизими, уларнинг ваколатлари ва вазифалари, сайлов жараёнида хорижий давлатлар, ҳалқаро ташкилотлар ва маҳаллий кузатувчиларнинг иштироки, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, сайлов кунини овоз беришни ташкил қилиш, сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Сайлов кодексида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, “Бир сайловчи – бир овоз” тамойилига қатъий амал қилиш, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ва сайлов жараёни бошқариш ахборот тизимидан фойдаланиш тартиби оид мавзулар бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Юртимизда демократик ислохотларнинг изчиллик билан амалга ошириладиганлиги, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва қарашлари ҳамда фалоллиги юксалиб бораётганлиги, сайловларга қизиқишни тобора ошироқда ва бу сайлов жараёнларини қонунчиликка мос тарзда уюшқоқлик билан ташкил этиш, сайлов комиссияси аъзолари ҳамда сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг билими ва кўникмаси юқори даражада бўлишини ҳамда ушбу муҳим сиёсий жараёнга ўта масъулият ҳисси билан ёндошишни талаб этади.

К.АРОЛОВ,
Қамаши туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ОГОҲ БЎЛСАК, ОЛОВ ЁВ БЎЛОЛМАЙДИ!

Ҳаётда ҳар бир инсон эзгу мақсадлар билан яшаб, меҳнат қилади. Ўз пешона тери эвазига йиллар давомида тўплаган мол-мулки, қурган иморатини яхшиликларга насиб қилишини чин дилдан истайди. Зеро, орзу-ҳавас билан яшашнинг ўзи кишига куч-ғайрат, эртанги кунига ишонч ҳиссини уйғотиши табиий. Айни пайтда ҳаёт турли тасодифларга тўла. Огоҳлик эса давр талаби. Ёнғин хавфсизлиги чораларини ўз вақтида кўриш борасида қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлар бизни ҳар доим огоҳ ва сергак бўлишга ундайди.

Фавқулудда ҳолатларни олдини олиш юзасидан “Шўртангазкимё мажмуаси” МЧЖда қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, бунда асосий эътибор ишлаб чиқариш саноат корхонасида, унинг цехларида ёнғинларнинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга қаратилмоқда.

Махматмурод НУРБОЕВ,
“Шўртангазкимё мажмуаси” МЧЖ ОБЭХТТЭБ мутахассиси, сержант

ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАР ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Рўйи заминда бир никоҳ бузилганда Арши аъло ларзага келади...

Судга ажрим учун ариза топшираётган эр-хотин танлаган қарори ҳам ўзига, ҳам жамиятга, айниқса, унинг сафига энди қўшилган кичик ёшдаги фарзандининг тақдирига салбий таъсир қилишини англайди. Аммо англаш бошқа, натижа эса амалда бошқача тус олмақда.

Оилавий ажримлар масаласи бугун ё кечанинги гапи эмас. Бу борада ёзилмаган гап, уни босиб чиқармаган газета, мавзу янграмаган кўрсатув қолмади, ҳисоб. Мутасаддилардан сўрасангиз, “лойиҳалар амалга оширилипти, яраштириш комиссиялари ишляпти”дан нарига ўтишмайди. Лекин мурғак қалбнинг тирик етим бўлиши замонавий жамиятда одатий ҳолга айланиб бормоқда.

Тахлилий маълумотларга кўра биригана 2018 йил апрель-сентябрь ойларида 18.521 нафар ажрашиш арафасида турган оилаларда турмушнинг бузилишига сабаб сифатида қуйидаги омиллар кўрсатилган:

48,4 фоиз — эр-хотин ўртасидаги маиший келишмовчиликлар;
17,4 фоиз — қайнона, қайнота ёки учинчи шахс, умуман бошқаларнинг оила ишига аралашуви;

5,3 фоиз — бепуштлиқ;
6,3 фоиз — моддий етишмовчиликлар, турмуш ўртоғининг ишсизлиги ва иқтисодий муаммолар;

5,5 фоиз — ичкиликбозлик ва бошқа зарарли одатлар оқибати;
3,5 фоиз — ички ва ташқи миграция;
11,3 фоиз — бошқа турли сабаблар. Ижтимоий тармоқда “Оилавий ажримларга асосий сабаб нима деб ўйлайсиз?” саволи билан ўтказилган кичик сўровномада ҳам тармоқнинг аксарият фойдаланувчилари урф-одатлар, қайнонанинги келинга солиқ солиши, кўёнинг эса келин томондан мулк таъма қили-

ши, келинларнинг ота уйига “гап ташиши”, телефон ва ижтимоий тармоқлар, ёшларнинг на фикрлаш, на пул топиш борасида мустақил эмаслиги, йигитларнинг ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилиши, қизларнинг эса “хўп”дан йироқлиги, диний билимдан беҳабарлик, ўзаро ҳурмат тушунчасининг йўқолиши, бе-сабрлик, айбини тан олмаслик кабиларни санаб ўтишди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ажрашиш арафасида турган, ажрим қайд этилган оилаларнинг муаммолари бир-бирига ўхшамайди. Аммо ҳар бири ўз ечимига эга, ажримга қадар оилани сақлаб қолишнинг имконияти анча юқори бўлган.

Демак, ҳамма гап барибир ёшларнинг оила ҳақида тасаввури ва унинг атрофидаги масалаларга бориб тақала-



ди. Қалаванинг учини давлат ташкилотларининг ёинки ота-онанинги қўлига туқазиб қўйиш эмас, чигалликни ҳамжиҳатликда ечишга уриниш керак. Турмуш қурган эр-хотин ҳам ўзларини ҳар томонлама таъминлаш масаласида, ҳам мулоҳаза юрита олишда мустақилликка эга бўлиши, нафақат ўзининг шахсий қизиқишлари, балки фарзандининг тақдири борасида ҳам масъулиятни ҳис этиши лозим.

Нилуфар ТАШМУРАДОВА,
ФИБ Қарши туманлараро судининг судьяси ёрдамчиси,
3-даражали юрист

ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Вилоят ФВБ “Шўртан ГКМ” ОБЭХТ-ТЭБ таркибидаги 39-, 40-, 41-ЁҚҚ томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида газ ва тутундан ҳимоялаш хизмати йўналишида муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Газ ва тутундан ҳимоялаш хизматида 3 та назорат хоналари ташкил этилган, нафас олиш йўллари ҳимояловчи аппаратлар “АУЕР” ВД-96 ҳимоя аппарати мавжуд бўлиб, ҳарбий хизматчилар учун нафас олишга яроқсиз муҳитда ишлаш учун 1 та тутунхона ва 1 та руҳий тайёргарлик йўлаги (39-ЁҚҚда), аппаратларда ишлаш қоидаси ва хавфсизлик чоралари бўйича йўриқномалар мавжуд.

ФВВнинг тегишли бўйиғи талабига асосан, ҳимоя аппаратларининг ҳолатини доимий назорат қилиш мақсадида, газ ва тутун ҳимоялаш хизмати назорат хоналарида аппаратда ишловчи газ-тутундан ҳимоячилар ўзларига бириктирилган нафас олиш йўллари ҳимояловчи аппаратлари навбатчи смена бошлиқлари назорати остида 1-сонли текширувдан ўтказилиб, уларнинг созлиги назорат қилиб борилмоқда. “Шўртан ГКМ” МЧЖ ОБЭХТТЭБ таркибидаги 39-, 40-, 41-ЁҚҚнинг тоза ҳаво, руҳий тайёргарлик йўлагида ҳамда тутунхонада ўтказиладиган машғулотлар давомида ФВВнинг тегишли бўйиғи талабларига асосан турли тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. 2021 йил 2-чорак давомида ўтказилган машғулотлар бўйича маълумот “Шўртан ГКМ” МЧЖ ОБЭХТТЭБ таркибидаги 39-, 40-, 41-ЁҚҚ ГТХХ гуруҳлари билан тоза ҳавода-112 марта, иссиқ тутунхоналарида 20 марта ва руҳий тайёргарлик йўлақларида 11 марта ўқув машғулотлари ўтказилди.

О.ДЖУМАЕВ,
“Шўртан ГКМ” МЧЖ ОБЭХТТЭБ бошлиғи ўринбосари, майор
Ш.АСТАНОВ,
“Шўртан ГКМ” МЧЖ ОБЭХТТЭБ 39-ЁҚҚ ГТХХ инструктор-кутқарувчи, сержант
Ш.НАВРЎЗОВ,
ФВВ Академияси 4-курс курсанти



ЭЪЛОН!

Қарши шаҳар Худойод-1 кўчаси 2/6-рақамли уйга эгаллик ҳуқуқини берувчи ХОЛИҚОВ ЖАЛИЛ ҲАМРОЕВИЧга 2019 йил 30 январдаги Қарши шаҳар ҳокимининг х-167/1-сонли қарорининг фуқаро Ж.Ҳолиқовга берилган асл нусхаси йўқотилганлиги сабабли **БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ**

Дехқонобод саноат касб-хунара коллежи маъмурияти томонидан 2017 йилда Оллаёров Зокир Карим ўғли номига берилган К № 4620870 рақамли диплом иловаси билан бирга йўқотилганлиги сабабли

БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ

КОРОНАВИРУСДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

Шу вақтгача “COVUD-19” яъни SARS-CoV-2 нинг Британча штамми В.1.1.7, Жанубий Африка штамми В.1.351, Бразилия штамми, Испания штамми 20A.EU1 ва короновируснинг бошқа юзлаб штаммлари намён бўлмоқда.

Январь ойида мамлакатимизда короновируснинг «Британча» штамми, апрель ойида эса «Жанубий Африка» штамми аниқланган бўлса бугунги кунда эса «Хиндча» штамм қайд қилина бошлади.

Ўзбекистонда короновируснинг энг хавфли кўринишларидан бири «хиндча» (Delta В.1.617.2) штамм аниқланган. У мамлакатимизга Россия ҳудудидан кириб келганлиги айтилмоқда.

Короновируснинг «хиндча» штамми энг хавфли штаммлардан бири бўлиб қолмоқда.

Короновируснинг «хиндча» штаммини юктириб олганларда қандай симптомлар пайдо бўлиши ҳақида эксперт Ольга Шуппо маълумот беради.

Дарҳақиқат короновируснинг «хиндча» штамми биз кўниканимиз сингари намён бўлмаслиги ҳақида маълумотлар бор — аксарият беморлар биринчи навбатда иситма ва йўтал эмас, ошқозон-ичак тракти муаммолари, бўғинлардаги оғриқ ҳамда эшитиш қобилиятининг сустайишидан шикоят қилади. Аммобу инфекция назоратдан чиққанини билдирмайди. Вируснинг асосий вазифаси кўпроқ одамларни зарарлашдан иборатлигини эсда тутиш керак.

Хурматли фуқаролар! Ўзбекистонда ҳам короновирус билан такроран касалланиш ҳолатлари кун сайин кўпайиб қайд этилмоқда. Шунингдек, вилоятимизда хусусан Қарши шаҳрида ҳам кунига юзлаб короновирус инфекцияси билан касалланганлар аниқланмоқда.

Шунинг учун ҳам касалликни бошдан ўтказганларда кучли иммунитет шаклланиши деб ўйламаслик керак. Шунга ўхшаб, короновирусга вакцина олгандан кейин ниқоб тақиш, масофани сақлаш, антисептик воситаларидан фойдаланиш каби эпидемияга қарши чораларни ҳам унутмаслигимиз керак.

Хозирга қадар мамлакатимизда короновирусга қарши вакцина қилинганлар орасида короновирус касаллиги қайд этилмаган. «Вакцина биринчи навбатда короновируснинг оғир оқибатлари ва ўлим ҳолатларидан ҳимоя қилади», — деб айта оламиз.

Азиз юртдошлар мана икки йилдирки, бошимиздан короновирус синовлари ўтказмоқдамиз. Короновирус пандемияси даврида касаллик туфайли нохушликлар ҳар бир оила бошига ташвиш солди десак муболаға бўлмайди.

Негаки биримиз оила аъзоларимиздан, биримиз қариндошларимиздан, биримиз касбдошларимиздан, биримиз дўстимиздан короновирус туфайли жудо бўлдик, кўпчилигимиз короновирус касаллигининг таҳликали азобларини бошимиздан ўтказдик, минг афсуски, кибру-ҳавога берилдик, оралик масофани сақламай қўйдик, маска тақмай қўйдик, маска таққанларни устидан кулгандек бўлдик, қўлимизни кўксимизга қўйиб сўрашиш ўрнига кучоқлашиб, ўпишиб кўришадиган бўлдик, менга касаллик юқмайди-деб эмланганлар устидан кулдик. Ҳукуматимиз раҳбарияти 30 кишилик тўйга руҳсат берганда бойлигимиздан керилиб 100-150 кишини 3 мартадан қақириб тўй қилдик.

Оқибат нима бўлди? - Короновирус турли тусга кириб, тўнини ўзгартириб яна эшигимизни қоқиб келди. Яна кунига юзлаб короновирус касалликлар қайд этила бошлади, қабристонларга кетма кет тобутлар оқими оқа бошлади.

Эй юртдошлар, азиз инсонлар! — кўзингизни каттароқ очинг оддий карантин қоидаларига (доимо тиббний ниқобда юринг, оралик масофа сақланг, қўл бериб кўришманг, қўлингизни совунлаб ювишни унитманг) риоя қилинг!

Зудлик билан короновирусга қарши эмланг негаки, жаҳондаги короновирус бўйича эпидемиологик вазият шундай кетаверса, вакцинани нархи олтин баҳосига тенг бўлганидан кейин қидириб юрманг!

Ўзингизни ва оила аъзоларингизни асранг!
Касаллик остонангизда турганлигини унитманг!

Турсин БОЙМИРЗАЕВ,

Санитария – эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қарши шаҳар бўлими, Жамоатчилик билан алоқалар бўлими муdiri олий тоифали шифокор.

ТАДБИРКОРЛИК - ДАРОМАД МАНБАИ

Юртимизда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион гоюлар ва бунёдкорлик салоҳиятини кўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакатимизда ҳар бир оилада тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг ташаббусларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилиши таъминланмоқда.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда имтиёзли кредитлардан оқилона фойдаланиш имкониятини яратади. Жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари савдосини ташкил қилувчи бозор инфратузилмаси объектлари хизмат кўрсатиши ва сервис шохобчаларини барпо этиш, қишлоқ ва маҳалла-ларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш, вақтинчалик молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаб, улар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Илҳом ҲАСАНОВ,

Фузор туман статистика бўлими етакчи мутахассиси



Ф.ГАППОРОВ,
Ташқи меҳнат миграцияси Агентлиги Қашқадарё филиали демографи

Сўнги тўрт йил давомида хорижда ишлаётган фуқароларга нисбатан тубдан ўзгариб, меҳнат мигрантлари билан мулоқот ўрнатилди, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда хал қилиш бўйича янги тизим жорий қилинди ва хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни кўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг реинтеграциясини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш талаб этилмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ваколатли органларнинг фаолиятини такомиллаштириш, хорижда ишламоқчи бўлган шахсларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, фуқароларнинг чет элда бўлиш даври-

да ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қайтиб келган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий кўллаб-қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий жорий қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Қарорга асосан, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш, шу жумладан уларнинг бандлигини маблағлари ҳисобидан қуйидаги харажатларни қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 барава-ригача миқдорда субсидия тўланади, яқна тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ёки кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказган вақтдан бошлаб биринчи уч ой давомида ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ижара ҳақини тўлаш, тадбиркорлик асослари ва молиявий са-

водхонликка ўқиш ва кредит олишда таъминот сифатида тақдим этиладиган суғурта полиси бўйича тўловларни амалга ошириш мумкин.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоят бўйича 2041 нафар фуқаро меҳнат ижтимоий қайтиб келган ва 1527 нафарнинг бандлиги таъминланган. Шунингдек, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириб қайтиб келиб тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида тадбиркорлик асослари ва молиявий саводхонликка ўқиш истагини билдирган 145 нафар фуқаролар қисқа муддатли курсларга жалб қилинди ва сертификатлар топширилди. Ушбу тадбиркорлик курсларини тамомлаган фуқаролар қарорга асосан тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар бўйича кредит фоизи ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми компенсация қилиниши белгиланган.

Шуни айтиш лозимки хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириб қайтиб келиб тадбиркорлик асослари ва молиявий саводхонликка ўқиш истагини билдирган фуқаролар Ташқи меҳнат миграциясининг Қашқадарё вилояти филиалига ёки ҳудудлардаги Аҳоли бандлиги кўмаклашиш марказларига мурожаат қилишлари мумкин.

YOSHLARNING MA'NAVİYATINI OSHIRISH

Inson dunyoga kelgach, har kun nimanidir o'rganadi. U avvalo mo'jazzina oilada ota-onasi, maktabda tarbiyachi-ustozidan, mahallada qo'ni-qo'shni, o'rtoq, do'stlari ta'sirida ulg'ayadi. Bolani qalban yuksak, ma'naviy boy qilib tarbiyalashda ajdodlarimiz yaratgan boy odob-axloqqa doir bilimlarni o'rgatish e'tiqodiga aylantirish, komillikka yo'naltirish muhim ahamiyatga ega.

Odobnoma – mustaqil Vatanimizning sog'lom avlodini ma'naviy tarbiyalashning ildizi bo'lgan asosiy fandır. Odobnoma fanii ilmiy, milliy va umumbashariy qadriyatlar mazmun-mohiyatini bilishga, boy merosimizni o'rganib, unga nisbatan vorislik hissini uyg'otishga, ajdodlarimizning ibratli o'g'it va ta'limotlariga amal qilishga, islom dinidagi ma'naviy-axloqiy tushunchalarning mohiyatini to'g'ri tushunishga, mustaqillikni ko'rkam istiqbol va istiqloqliga ko'makdosh bo'lishga chorlaydi.

Odob-tarbiya, go'zal axloq nazokatlilik demakdir. Odob tushunchasi va uning mazmuni haqida juda ko'p qoidalar, ta'riflar mutafakkir, ma'rifatparvarlar tomonidan berilgan.

Jumladan, Ahmad Yugnakiy shunday yozgan ekan: „Odobli bo'lishga yondoshib (o'zingni) kamtar tut, tartibli kishilarga ozod jon go'l bo'lsin“ („Hitbatul haqoyiq“).

Alisher Navoiy odobga quyidagicha ta'rif bergan edi: „Adab kichik yoshlarni ulug'lar duosig'a sazovor etar va ul duo barakati bila umrdin barhurdor. Adab va tavazu

do'stlig' ko'rgusida jilo berur, ikki jonibdin yorug'liq yetkarur“ („Mahbubul qulub“dan).

Voiz Koshifiy fikricha: „Odob – bu qalbni yomon so'zlardan va nojo'ya xulqdan saqlab qolish, o'zini va o'zgalarni ham hurmat qila bilish, shu bilan birga o'zini va o'zgalarni ham obro'sini tushurmaslikdir“ („Axloqi Muhsiniy“ asaridan).

Yuqoridagi asarlarni o'rgatishdan bosh maqsad yosh avlodni yuksak ma'naviy fazilatlar egasi qilish, uning qalbiga yaxshilik urug'ini sepish, islom ma'naviyati, urf-odatlarini o'rgatish, imon, e'tiqod egasi qilib tarbiyalashdir.

Odob – xalqimizning boy milliy merosida, xalq og'zaki ijodiyoti va yozma yodgorliklarida o'ziga xos va mos adablilik g'oyalari, fazilat va qadriyatlariga ega.

Odob hayotdan o'qish-o'rganish, oila tarbiyasi zamirida paydo bo'ladigan muomila-munosabatlar majmuasidir. Odob insonlarni ruhiy holatlarini aks ettiruvchi madaniy munosabatlar tizimidir. Odob va axloq tushunchalari chambarchas bog'liq bo'lib, insonning axloqi mavjud qonun va qoidalar me'yoriy talablarini bajarishda o'z ifodasini topadi.

Arziqul PANJIYEV,
Olim PANJIYEV,
Qarshi muhandislik iqtisodiyot instituti o'qituvchilari.

ЁНГИН ХАВФ СОЛМАСИН!

Аҳолининг фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнгинлар профилактикаси бўйича тайёргарлигини ошириш ҳамда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида “Шўртангазкимё” МЧЖга қарашли барча масканларда ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

Жумладан “Шўртангазкимё” МЧЖга қарашли Электр таъминоти цехида профилактик йиғилиш ўтказилди. Вилоят Фавқулдда вазиятлар бошқармаси “Шўртан ГKM” МЧЖ ОБЭХТТЭБ

ПНБ инспектори лейтенант У.П.ўлатов ҳамда Фавқулдда вазиятлар академияси 4-курс курсанти Ш.Умаровлар иштирок этдилар. Йиғилишда мажмуа ишчи-хизматчилари ўртасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, Кўнгилли ёнгин ўчириш гуруҳи аъзолари ҳаракатлари ҳамда “Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун моҳиятлари тушинтириб ўтирилиб, тадбир мобайнида ёнгин вақтида қандай ҳаракатланиши ва бирламчи ёнгин ўчириш воситалардан тўғри фойдаланиши кўрсатиб ўтилди. Шунингдек кун-

ларни кескин исиб кетиши муносабати билан чўмилиш таъқиқланган сув ҳавзаларда, ўзига номалум бўлган сув манбаларида чўмилиш мумкин эмаслиги ҳақида тушунчалар берилди. Сўзга чиққанлар сўнги йилларда соҳада бўлаётган ўзгаришлар, янги замонавий техникалар ва асбоб анжомлар, уларнинг қулайликлари тўғрисида йиғилиш иштирокчиларига маълумот берди.

Убайдулла ПЎЛАТОВ,
“ШўртанГKM” МЧЖ ОБЭХТТЭБ ПНБ инспектори,
лейтенант
Шаҳбоз НАВЎЗОВ,
ФВВ Академияси 4-курс курсанти

Эътибор кучли бўлса...

Ёнгин-тилсиз ёв, дея бежиз айтишмайди. Озгина эътиборсизлик оқибатида кичик учкундан катта аланга содир бўлиб, қимматга тушиши мумкин. Шу боисдан ёнгинларнинг олдини олишда ҳамisha хушёр бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Профилактика тадбирлари доирасида “Шўртангазкимё мажмуаси” МЧЖда амалий машғулотлар тез-тез ўтказилади. Унда корхонанинг ишчи-ходимлари жалб этилиб, уларга ёнгиннинг олдини олиш чоралари ҳақида назарий-амалий маълумотлар берилади. Машғулот давомида ёнгин чиққач уни бартараф этишдан кўра, ёнгиннинг олдини олиш афзаллиги яна бир бор ўз исботини топмоқда.

Маҳмуд МАМАТОВ,
“Шўртангазкимё мажмуаси” МЧЖ ОБЭХТТЭБ ПНБ инспектори, катта сержант

ОРЗУЛАР ОСТОНАСИ...

Ижод шундай сирли бўстонки, унинг сеҳрли оламига бир бор нигоҳ ташлаган кўнгли соҳиби бир умр унинг гўзалигига маҳлиё бўлиб яшайди. Қўлда қалам тутмоқлик, қалбидаги туйғуларни сатрларга битиш бахти аслида ҳар кимга берилмайдиган буюк неъматдир. Бугун мамалатимизда ижод ва адабиётга берилмаган кенг имкониятлар биз ижодкорлар қалбини орзулар сари етаклайди. Мамлакатимизда адабиёт, ижод, санъат, маънавият соҳаларига бўлган эътибор давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватлаётгани келажак авлодни ҳар томонлама баркамол инсон этиб тарбиялашда қаратилаётган имкониятларнинг асосидир. Жорий йилда давлатимиз раҳбари томонидан “Маънавий-маърифий ишлар тизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ва ҳар бир мактабларга таниқли шоир, ёзувчи, журналист ва ижодкорлардан иборат “Ижодий-маданий” масалалар бўйича тарғиботчилар лавозимлари ташкил этилди. Бу қарорни ижод аҳли катта қувонч билан кутиб олишди. Мен фаолият олиб бораётган Косон туманидаги 76- умимий ўрта таълим мактабида ҳам қатор истеъодлар бўлоғи кўз очмоқда. Ушбу саҳифада ёшлар ижодидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Элбой ҚУЛМОНОВ,
Косон туманидаги 76-умимий ўрта таълим мактабининг “Ижодий-маданий” масалалар бўйича тарғиботчиси.
“Умид учкунлари” адабий-бадний тўғараги раҳбари.

YOSH OILALARGA UY-JOY UCHUN
IPOSTEKA KREDITI AJRATILISHI

Mamlakatimizda yoshlarga oid davlat siyosati sohasida kengko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. O'tgan vaqt ichida yoshlarni ha r'tomonlama qo'llab-quvvatlash, ularning huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, mamlakatimiz istiqboli uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir, tashabbuskor, shijoatli yoshlarni tarbiyalash borasida alohida tizim yaratildi.

O'zbekiston Respublikasi Yoshlari iagentligi, Oliy Majlis palatalari huzurida Yoshlar parlamentlari, O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi qoshida Yoshlar akademiyasi tashkil qilindi. Hududlarda “Loyihalar fabrikasi” ish boshladi.

Yoshlarni qo'llab-quvvatlash tizimini tubdan isloh qilish va yanada rivojlantirish maqsadida 2021-yil mamlakatimizda “Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili” deb e'lon qilindi.

Respublikada yoshlar va ularning oilalari uchun davlat tomonidan turli shakldagi moddiy yordam va ijtimoiy qo'llab-quvvatlash choralarini amalga oshirilib kelinmoqda. Jumladan, o'tgan uch yilda respublikamizda 5 122 ta yosh oilalar uy-joy bilan ta'minlandi.

Yosh oila — er-xotinning ikkisi ham 30 yoshdan oshmagan oila yoxud farzand (bola) tarbiyalab voyaga etkazayotgan o'ttiz yoshdan oshmagan yolg'iz otadan yoki yolg'iz onadan iborat bo'lgan oila, shu jumladan nikohdan ajralgan, beva erkak (beva ayol) hisoblanadi.

Yosh oilalar — bu ko'pincha yashash sharoitlarini yaxshilashga muhtoj bo'lgan aholi toifasidir. Ko'pincha, yoshlar uchun bir nechta vazifalar bir vaqtga to'g'ri keladi: ishda o'zini izlash istagi, tug'ish va bolani tarbiyalash istagi, uy-joy sotib olish zarurati. Shu sababli bu aholi toifasida vlahimoyasiga juda muhtoj sanaladi.

Mustaqil hayotni boshlashga ko'maklashish uchun yosh oilalarga imtiyozli asosda ipoteka, iste'mol va mikroreditlar ajratiladi.

Prezidentning «Yoshlarga oid davlat siyosati samaradorligini oshirish va O'zbekiston yoshlar ittifoqi faoliyatini qo'llab-quvvatlash to'g'risida» 2017 yil 5-iyuldagi PF-5106-son farmoniga muvofiq yosh oilalar, xususan, imkoniyati cheklangan va ijtimoiy

himoyaga muhtoj yoshlarni ma'naviy va moddiy jihatdan qo'llab-quvvatlash, ular uchun munosib uy-joy va ijtimoiy-maishiy sharoitlarini yaratishga qaratilgan maqsadli ishlarni tashkil etish belgilangandi. Imtiyozli ipoteka krediti uy olish uchun talabgor Yoshlar ittifoqi makaziy kengashi tavsiyanomasiga ega bo'lishi kerak. O'zbekiston yoshlar ittifoqi Markaziy Kengashi tomonidan uy-joy sharoitlarini yaxshilashga muhtoj bo'lgan yosh oila sifatida hisobga qo'yilgan va tavsiyanoma berilgan yosh oilalar uchun 2019-2020 yillarda qurilgan yoshlar uylari ro'yxati tasdiqlangandi. O'zbekiston hukumati tomonidan tasdiqlangan yosh oilalarga uy-joy berish tartibiga muvofiq, 2020 yildan yosh oilalar uchun qurilajak uy-joy xaridida imtiyozli kreditlash stavkasi Markaziy qayta moliyalash stavkasidan kam bo'lmasligi shart. Shunga qaramay, 2020 yilga qadar ariza topshirib, boshlang'ich to'lov badali shakllantirilgan, shuningdek, uy-joy qurilishi boshlangan oilalar uchun ipoteka krediti shartlari avvalgiday saqlanib qoldi.

Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 11 sentyabrdagi qaroriga binoan 1064 ta uy-joy uchun ariza topshirgan yosh oilalar uchun xaridning boshlang'ich to'lovi tashkilot tomonidan qoplangan. Shuningdek, ular ipoteka kreditining dastlabki besh yilida imtiyozli stavkalarda so'ndirishi mumkin. Amalda ushbu imtiyozli kredit stavkasi 7 foizni tashkil etgandi.

O'zbekistonda yoshlar masalasi davlat siyosatining eng ustuvor yo'nalishlaridan biri hisoblanadi.

Mamlakatda yoshlarning huquq va manfaatlarini himoya qilish, ularga zarur shart-sharoitlar va imkoniyatlarni yaratib berish borasida mustahkam huquqiy baza yaratilgan va bu tizim zamon talablariga hamohang ravishda takomillashtirib borilmoqda. Hususan, bugungacha parlament tomonidan yoshlarga oid 40 dan ziyod qonun hujjatlari qabul qilingan bo'lib, 30 dan ortiq xaqlar huquqiy hujjatlar ratifikatsiya qilingan

N.SHAPSANOVA,
Toshkent kimyo-texnologiya instituti Shahrisabz filiali katta o'qituvchisi.

Иқтидорли ёшлар –
келажакимиз

Энг катта бойлик бу – ақл-заковат ва илм, энг катта мерос бу – яхши тарбия, энг катта қашшоқлик бу билимсизликдир.
Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ёшлик – инсон умрининг баҳори. Баҳор ўзининг жозибadorлиги ва гўзаллиги билан барчани ўзига ром этади. Унинг кўркамлигидан баҳра олиш, инсонни қанчалик хушнуд этса, ёшлик ҳам худд баҳор мисоли нафисдир. Негаки, ёшликдаги ҳар бир лаҳзадан унумли фойдаланиш – инсон келажакнинг асосидир. Мустақиллик бизга кўп сабоқлар билан бир қаторда асрий орзу – умидларимиз рўёбини ҳам ҳаёда этади. Келажак ворислари бўлмиш ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва очилаётган имкониятлар эшиги фикримиз далилидир. Ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол шахс сифатида тарбиялашда ҳар биримиз масъулдирмиз. Ушбу масъулиятимизнинг бардавомлигини таъминлаш мақсадида 2021 йил 19 январда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ташаббус ва тақлифлари билан “Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи” лавозими жорий этилди. Ушбу тақлиф барча ёш истеъодлар ва ижод аҳли томонидан муносиб қарши олинди.

Эндиги олдимизда турган вазифа – ёш, ижодкор, истеъодли, қобилиятли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ижодий кўмак беришдан иборат.

Аминманки, жорий этилган ушбу янгилик барча ёшлар ва ижод аҳли учун хайрли бўлади.

Дилора АБАЗОВА,
Қарши тумани 45-умимий ўрта таълим мактаби ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.

Она меҳри

Гар бешиқда йиғласа гўдак,
Ҳам бесабаб тутса чинқирок,
Кўз ёшидан дарё тўлса ҳам,
Юпатолмас ҳеч бир хайқирок.

Лек нигоҳин ташласа шу дам,
Меҳр тўла кўзла онаси,
Бошларига тўқмоқ тушса ҳам,
Йиғи билмас энди боласи.

Улғайиб, у катта бўлганда,
Юрагига қайғулар тўлиб,
Кўзларига ёшлар тўлганда,
Ўшанда ҳам парвона бўлиб.

Дардларини олса онаси,
Гарчи ўзи дардман бўлса ҳам,
Қайғу билмас шу он боласи,
Бошларига кулфат тушса ҳам.

Олиб кетса дунёдан ногоҳ,
Машъум ўлим илҳақ онасин,
Яна қайғу ичра қилади оҳ-воҳ,
Тўлмасайди дер паймонасин.

Энди кимлар унга меҳрибон,
Дардларини ҳар он олади,
Қайғу босса дилни бегумон,
Ким у учун фарёд қилади.

Она меҳри шу қадар қайнок,
Унинг қалби шунчалар уммон,
Қадрлашга топаёлик имкон,
Гар сўнгиди бўлмайлик сўрок.

Сиёвуш ЯРАШЕВ,
Қарши туманидаги 45-мактабнинг 5-синф ўқувчиси.

ОТАЖОНИМГА
(мувашшаҳ)

Денгиз мавжларидек тошқин қалбингиз,
Армон кучмасин дилингни сира.
Доимо тик бўлсин қадди-бастингиз,
Дадажон, шеърим сизга қасида.
Жону жаҳонимсиз менинг ҳаргиз.
Ой-йиллар ўтаверсин, майлига.
Нуқси Сизга тегмасин фақат.
Сиз ҳавассиз замона зайлига.
Олтин дуоингиз биз-чун саодат.
Ғиж-ғиж мақол ила ҳикматсиз.
Бори ҳикматга ҳаётингиз дарча.
Ўзингиз бизга буюк ибратсиз.
Латиф лутфингизга ҳавасда барча.
Илоҳим, умрингизга умр қўшилсин.
Нури зиё пойингизга тўш қўйсин.
Гавҳарга сиздек падар қутлуг бўлсин.

Гавҳар ХИДИРОВА,
Қарши шаҳри Араловул маҳалласи.

О'ЗБЕКISTONIM

Gullagan diyorum
O'zbekistonim!
Tuprog'ing oltindir
ota makonim,
Barcha xalqlar ichida
sen mehribonim,
Senga jonim fido,
O'zbekistonim!
Onamning poyida,
tuprog'idasan,
Kuzimning nurida,
qarog'idasan,
Barcha xalqlar ichida
sen yurakdasan,
Senga jonim fido O'zbekistonim,
Amir Temur ruhi faqat sendadir,
Manguberdi mardligi ham sendadir,
Barcha xalqlar ichida sen mehribonim,
Senga jonim fido O'zbekistonim,
Shu yurtda tug'ildim, topdim men kamol,
Faxirlanib yashadim sen bilan har on,
Tumaris, Zulfiya izdoshlarimiz,
Senga jonim fido O'zbekistonim.



Farzona ISLOMOVA,
Qarshi tumanidagi 69-maktabning 7-b sinf o'quvchisi.

КАПАЛАК



Капалакжон, капалак,
Бунча гўзалсан малак.
Гулзор ичра кезасан,
Қайга шошасан ҳалак.

Кўз-кўз қилиб жамолинг,
Шод этасан юракни.
Қанотларинг аксида,
Ранги бор камалакнинг.

Фарангиз ОЧИЛОВА,
Косон туманидаги 76-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

ЮРТИМ

Кундан-кунга юртимиз,
Гўзалликка тўлмоқда.
Ҳар тарафда истиқлол,
Хур қуёши кулмоқда.

Бугун ўзбек номини,
Бутун дунё билади,
Алпқоматли ўғлони,
Юртга қалқон бўлади.

Юксалиш, тараққиёт,
Қўкка бўй чўзаверсин.
Ўзбекистон довури,
Юрт аро кезаверсин.



Райхона БОЗОРОВА,
Косон туманидаги 76-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.